

Маддоҳларнинг юзига тупроқ сочилуру

05:00 / 03.03.2017 4929

Абу Муаммар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Бир киши бир амирлардан бирини мақтаб қолди. Бас, Миқдод унинг юзига тупроқ соча бошлади ва:
«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам маддоҳларнинг юзига тупроқ сочишга амр қилганлар», деди».**

Шарҳ: Демак, одамларнинг ғашига тегадиган, аччиғини чиқарадиган, шариятга, одоб-ахлоққа тўғри келмайдиган маддоҳларга ана шундай муносабатда бўлинар экан.

Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қилинади:

**«Ибн Умарнинг олдида бир киши бошқасини мақтаб қолди. Бас, унинг оғзига қараб тупроқ соча бошлади. Сўнг:
«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам:
«Қачон маддоҳларни кўрсангиз, юзларига тупроқ сочинглар, деганлар», деди».**

Шарҳ: Мажлислардан бирида ўтирганлари бир бир одамни мақтаб қолибди. У ерда Абдуллох ибн Умар розияллоху анху ҳам бор эканлар. Мақтаётган одам мақташда давом этаётганида Абдуллох ибн Умар розияллоху анху тупроқ олиб, унинг юзига, оғзига қараб сочибдилар ва:

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам «Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинглар» деган эдилар, шунинг учун қилдим», дебдилар.

Ушбу икки ривоятда Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг маддоҳлар зиддига айтган ҳадисларига саҳобаи киромлар қандай амал қилганлари ҳикоя қилинмоқда.

Ҳа, ҳадисларни ўқиб, эшитиб қўявериш билан кифояланмаслик керак. Балки уларга амал қилиш керак.

Миҳжан ал-Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Раҳо айтди: «Мен бир куни Миҳжан билан аҳли Басранинг масжидига бордик. Қарасак, Бурайда ал-Асламий масжиднинг эшикларидан бирида ўтирибди. Масжиднинг ичкарасида Сакаба исми бир киши бор эди. У жуда узоқ намоз ўқир эди. Масжиднинг эшигига етиб борганимизда, унинг устида чопони бор экан. Бурайда бироз ҳазилкашроқ одам эди, у:

«Эй Миҳжан! Сен ҳам Сакабага ўхшаб намоз ўқийсанми?» деди.

Миҳжан унга жавоб қайтармай, орқасига қайтди.

Сўнг Миҳжан:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг қўлимдан ушлаб юриб кетдилар. Бориб-бориб, Уҳуднинг юқорисига чиқдик. У зот Мадийнага қарадилар ва:

«Бу шаҳарнинг онаси ҳолига вой бўлсин. Энг обод бўлиб турган пайтида аҳли уни ташлаб чиқиб кетади. Дажжол келиб, кирмоқчи бўлганда қараса, шаҳарнинг ҳар бир эшигида биттадан фаришта қўриқлаб туради ва у кира олмайди», дедилар.

Сўнг тоғдан тушдилар. Бориб масжидга кирдик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир одамнинг намоз ўқиётгани, сажда ва рукуъ қилаётганини кўрдилар.

Кейин менга:

«Бу ким?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Бу фалончи, у шундай-шундай деб ўша кишини мақташга тушдим.

«Тўхта! Унга эшиттирма, ҳалок қилиб қўясан», дедилар.

Сўнг ўзлари юриб кетдилар. Хужралари олдида етганларида қўлларини силтаб:

«Сизнинг динингизнинг яхшиси – енгили! Сизнинг динингизнинг яхшиси - енгили» деб уч марта айттилар».

Шарҳ: Мана бу ҳадисдан ҳам кўришимиз мумкинки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам узундан-узоқ намоз ўқиётган одамни мақташганини

ёқтирмадилар.

У Зот соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган, таълимларини олган Миҳжан розияллоҳу анҳу ҳам, Басрадаги узун намоз ўқиётган Сакаба деган одамни ёқтирмадилар.

Балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам диннинг яхшиси энгили эканлигини таъкидлаган эканлар. Миҳжан розияллоҳу анҳу бу гапни ёнидагиларга етказдилар.

Имом Бухорий бу ҳадиси шарифни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ундаги «Тўхта! Унга эшиттирма, ҳалок қилиб қўясан», деган гаплари учун айна шу бобда келтирдилар.

Демак бировнинг ўзига эшиттириб мақташ керак эмас.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бировнинг қўлидан ушлаб юриш борлиги.
2. Мадийна обод бўлиб турган пайтида аҳли уни ташлаб чиқиб кетиши.
3. Дажжол Мадийнага кирмоқчи бўлганда шаҳарни ҳар бир эшигида биттадан фаришта қўриқлаб туриши.
4. Дажжолнинг Мадийнага кира олмаслиги.
5. Бировни мақталса ўзига эшиттирмагани яхшилиги.
6. Исломда энгилликни олиш яхшилиги.